# Маҳалладош

*Дилкаш суҳбатлар*

## МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ИЛДИЗЛАРИ

***Қумри Абдуллаева Қори Ниёзий номидаги педагогика илмий-тадқиқот институтининг етакчи олимларидан бири, педагогика фанлари доктори. Унинг номи бир қанча дарслик ва қўлланмалар, одоб-ахлоққа оид илмий-амалий китобларнинг муаллифи сифатида республикамизда яхши таниш. У кейинги пайтда маҳалла ва қадриятларимиз билан боғлиқ бўлган «Шодлик мактаби» ҳақидаги янги ғояларни олға сурмоқда. Жамоатчи мухбиримиз олима билан шу ҳақда суҳбатлашди.***

**— Қумри опа, маориф тизимида оила, мактаб, маҳалла тушунчалари мавжуд. Бу тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва бир-бирига боғлиқлиги хусусида сизнинг фикрларингиз қандай?**

— Мустақиллик ҳаётимизга янги руҳ олиб кирди, мутеликдан, сохта ижрочиликдан қутулдик. Маънавий мустақиллик ҳур фикрлашни юзага келтирди, қадриятларимиз, тарбия ва таълимга бўлган масъулиятимизни оширди.

Маорифнинг бугунги вазифаси тарбия ва таълимни такомиллаштиришга қаратилган. Бу муҳим ишни эса оила, мактаб ва маҳалласиз тасаввур этиш қийин. Улар бир-бири билан эгизак, бир-бири билан чамбарчас боғланган. Оила — Ватаннинг қон томирчалари, маҳалла — унинг юраги, мактаб — шу юракни нурлантирувчи куч. Бу уч тушунча замирида олам-олам ҳикмату йўналиш бор. Томи-томига туташиб кетган хонадонларнинг соҳиблари — нуроний ота-оналар, уларнинг нуридийдалари фарзандлар. Маҳалла эса уларни бир-бирларига туташтирувчи ақлли, тадбиркор катта хонадон, мактаб бўлса шу хонадон фарзандлари онгига ақлини чархлайдиган она — Ватаннинг бир бўлаги. Бу уч эгизакли оиланинг ўз боғбонлари мавжуд. Булар падари бузруквориую онаи меҳрибон, маҳалла оқсоқолию, нурхоналарда фарзандларнинг қалбларини шуълалантирувчи чароғбонлар. Демак, ўқувчи тарбия ва таълими, унинг камолоти шу уч мустаҳкам илдиз билан чирмашиб кетган.

**— Бошланғич таълимни ислоҳ қилиш ташаббуси асосида бошланғич синф йўриқномаси ҳаётга йўл олди. Унинг маҳаллага, тарбия ва таълим йўналишига таъсири қандай?**

— Ўзбекистонда «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қонунда умумий таълим уч босқичи: бошланғич, таянч бўғинни ташкил этувчи асосий ва ўрта босқичдан иборат қилиб белгиланди, тўққиз йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Халқ таълимида бир қатор янги йўналишлар юзага келди. Мен «Бошланғич таълим» йўриқномасининг республикамиз мактабларига кириб боришида маҳаллаларга, одамларга суяндим. Дарҳақиқат ҳамкорликда ҳикмат кўп. Бобокалонларимиз айтганларидек: «Ақл ақлдан қувват олади». Мен бошланғич таълимни янгилаш ҳақидаги ғояларимни юзага чиқаришимда республикамиз вилоятларига, маҳаллалардаги мактабларга қилган юришларим, ажойиб кишилар, пиру бадавлат отахон ва онахонларнинг фарзанд тарбиясидаги тажрибаларига, амалий-назарий фикрларимга таяндим. Маҳалла ва мактабларда ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган боболар, момолар ва тақдирларини мактаб билан боғлаган муаллимлар билан кўп суҳбатлашдим. Ҳаётни кузатиш ва ундан келиб чиқиб, ўзимнинг фикр-мулоҳазаларим ва илмий-амалий ғояларимни баён этдим ва бошланғич таълим ҳақидаги йўриқномамни аввало илмий муассасалар, халқ таълими вазирлиги муҳокамаларидан ўтказдим.

**— Буюк аллома Жалолиддин Румий айтганларидек, «Ҳар қандай йўқотиш — топишдир. Ҳар қандай топиш — йўқотишдир». Лекин сиз аксинча, топгансиз. Сиз мақолаларингизда «Шодлик мактаби»ни тарғиб қилаяпсиз. Унинг дастурини ҳам ишлагансиз. Бу мактабнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Маҳаллаларда уни ташкил этиш мумкинми?**

— Илмий-амалий изланишлар ғоялар тизимларини мустаҳкамловчи пойдевор. Мен иш фаолиятимда Халқаро илмий анжуманларда, Эрон, Покистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликларида бўлганимда ҳақиқий шарқона мактаб-мадрасаларда олиб борилаётган ўқиш, ўқитиш, тарбия хусусидаги яхши тажрибалар фикрларимни бойитди, янги-янги ғоялар туғилди. Бу мамлакатларда тарбия ва таълим бутунлай бошқача. Университет ва мадрасаларда энг муҳим дунёвий ва диний фанлар, ахлоқ ва одобга оид фанлар ўқитилади. Болалар, йигитлар, хотин-қизлар мактаб ва куллиётлари алоҳида-алоҳида... Уларда ҳам, бизда ҳам маҳалла бор, турмуш тарзимиз, урф-одатларимиз, диний қарашларимиз ҳам бир хил. Шундай экан, эндиликда Шарқ мамлакатларида тарбия ва таълим соҳасидаги янгиликлар, илғор тажрибаларни ўз республикамизда қўллаш вақти келмадимикин?

Ўзбекистон келажаги бугунги ёш авлод тарбиясига, унинг шарқона қадриятларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Зотан, мустақил жамиятни эътиқодли, қалби пок, руҳан баркамол авлодлар қуради. Бунинг учун миллий мактаблар сув билан ҳаводай зарур. Миллий мактабни мен «Шодлик мактаби» деб аташни лозим топаман... Хўш, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Энг аввало, янгиланаётган бошланғич мактабдаги тарбия ва таълимнинг бош вазифаси бола руҳида захр бўлган адолат ва эзгуликни барқарорлаштириш, унинг илм-ҳунар ўрганишга бўлган истакларини рўёбга чиқариш зарур. Миллий бошланғич мактабнинг олий мақсади, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш, инсон омилига янгича ёндошиш, унутилган барча қадриятларимизни тиклаш, уни авлодларга етказиб бермоқ даркор. Бу ҳаётнинг поклиги учун кураш, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг қалбига яхшилик, эзгулик уруғларини сочиш, уларнинг ўсиб-унишлари учун шароит яратишни тақозо этади.

Маҳаллалар қадим-қадимдан Марказий Осиё давлатларида мисоли ота-она, мактаб, билим, таълим-тарбия маркази — юрак қон томирлари бўлиб келган. Маҳаллалардаги чойхоналар, гузару гапхоналар мулоқот, гурунг манзилгоҳлари, тарбия ва таълим масканлари бўлган. Президентимиз маҳаллаларга «Ватан ичра кичик Ватан» деб таъриф бердилар. Чиндан ҳам шундай. Зотан, одамни одам қиладиган ҳам, сафдан чиқарадиган ҳам шу маҳалланг, маҳалланг киндик қонинг тўкилган қутлуғ Ватан парчаси...

Ўтмишда Туронзамин маҳаллаларида касбкор ва диний мактаблар, мадрасаларда бўлган ўғил ва қиз болалар мактаблари алоҳида фаолият кўрсатган, унинг жуда кўп афзалликлари бор. Инқилобга қадар Ўзбекистон ҳудудида «Зебуннисо» деб аталган хотин-қизлар мактаблари фаолият кўрсатган. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним ҳам шу мактабда ўқиган. У кишининг ёзишларича, бу мактабни битирганларнинг кўплари маърифатли, касб-ҳунар эгалари бўлиб етишганлар. Бундай мактабларнинг ўзига хос дастури, ўқитиш усуллари бўлган.

Биз тавсия қилаётган «Шодлик мактаби»нинг мақсади қиз ва ўғил болаларни эртароқ ҳаётга тайёрлаш масаласидир. Қиз болаларга жуда ёшликдан муомала маданиятини ўргатиш, уй юмушларини дид-фаросат билан бажариш, одоб-ахлоққа ўргатиш, чеварлик, пазандалик санъатини эгаллаш, билимдон отинларни тайёрлаш, бир сўз билан айтганда, бўлажак шарқ аёлини ёшликдан шакллантиришдан иборат.

Ўғил болалар мактабини билимдон эркак ўқитувчилар қўлига топшириш даркор. Токи улар болаликдан иродали, мард, эпчил-чаққон, полвон бўлиб ўссинлар, касб-ҳунар соҳиби бўлиб етишсинлар. Бундай мактаблар маҳалла кенгашлари қошида ҳам фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2000-йилгача мўлжалланган истиқбол режасида миллий мактабга ўтиш учун барча шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган. Келажакда бошланғич миллий мактаб бинолари қуриш учун Ўзбекистон меъморларининг лойиҳалари яратилмоқда. Бундай хайрли ишлар амалга оширилса, маънавиятимизнинг яна бир гултожиси юз кўрсатади. Бинобарин маънавиятимизнинг мустаҳкам илдизлари — оила, маҳалла ва мактабдир.

Ашурали АҲМАД суҳбатлашди.

*Раҳмдил ва меҳр-мурувватли бўлайлик*

## ҲАР БИР ОИЛА ЭЪТИБОРДА

Фаоллар идорага тўпланишганда маҳалла оқсоқоли Акбарҳожи ака стол устидаги қоғозларни титкилаб, ниманидир хомчўт қилиб ўтирарди.

— Сизларни йўқлашимдан мақсад, — деди оқсоқол йиғилганлар билан ҳол-аҳвол сўрашгач, — бир масала юзасидан маслаҳатлашиб олишимиз зарур. Ҳаммангизга маълум маҳалламизда яшаётган ёрдамга муҳтож кишиларга давлатимиз томонидан маблағ ажратилаяпти. Қийналиб қолган бошқа оилаларга мадад қўлини чўзиш учун ўзимизда ҳам имконият бор экан.

— Бирорта таклифингиз бўлса бемалол айтаверинг, — деди фаоллар орасида ўтирган маҳалла ХДПсининг котиби Акбар Холмуҳамедов.

— Бўлмаса эшитинглар, — дея Акбарҳожи ака гап бошлади. — Маҳалламиздаги айрим кишилар зарурат бўлганда ишлатарсиз, деб пул беришаяпти. Илоё, уларнинг ҳамёнига барака кирсин. Кечагина йиғилган маблағни ҳисоблаб кўрсам бемалол 5-6 оилага озиқ-овқат олишга етади. Бундан ташқари жамғармамизда ҳам озгина пулимиз бор. Шуларни қўшиб, муҳтож хонадонларга хайр-эҳсон улашсак, дегандим.

Йиғилганлар оқсоқолнинг бу гапидан кейин жонланиб қолишди.

— Жуда яхши ўйлабсиз, Ҳожи ака, — деди фаоллардан бири Абдуқодир Ҳожибоев. — Менимча ёрдамни биринчи галда маҳалламиздаги Башорат ая Нажмиддиновага уюштириш керак. Унинг келини оғир касал, бешта невараси билан ўралашиб қолди.

— Тўғри таклиф, — унинг гапини маъқуллади Раҳматилла Солихўжаев. — Мен ҳам ўз фикримни айтмоқчиман...

Шу куни фаоллар маслаҳатлашиб, кимларга ёрдам берилишини келишиб олдилар. Орадан бир неча кун ўтгач маҳалладаги 24 та оилага 5 килограммдан гўшт, 7 килограммдан гуруч, 2 килограммдан ёғ берилди. 4 та оилага эса 1000 сўмдан пул ажратилди.

91-уйнинг 30-хонадонида яшаётган Ёқуб ота Мирсодиқов хайр-эҳсонларни қабул қилиб олар экан, чойхонада, кўпчилик орасида оқсоқол ва фаолларни дуо қилди, уларга узоқ умр тилади.

Шайхонтоҳур туманидаги Сархумдон маҳалласида одамларга бундай саховат кўрсатилаётганига тез-тез гувоҳ бўлиш мумкин. Маҳалла оқсоқоли Акбарҳожи Асқаров фаолларнинг бошини қовуштириб, кексалар, ёлғиз кишилар, кўп болали оилалар ғамида куйди-пишди бўлаётгани туфайли жамоада обрў топмоқда. Айни пайтда ушбу маскандаги 31 та кўп қаватли уйда 8 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаяпти. Диққатга сазовор жойи шундаки, ҳар бир оила маҳалла фаолларининг эътиборида.

— Икки ўғлим тижоратчи бўлиб ишлайди. Шукр, оиламизда ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ, — деди Акбарҳожи ака биз билан суҳбатда. — Маза қилиб уйда кексалик гаштини суриб ётсам бўлади. Аммо мустақил юртимиздаги ўзгаришлар, маҳаллаларга берилаётган катта эътибор боисидан куч-ғайратим бор экан, маҳалла, халқимиз билан биргаман. Мен ҳар ойда олаётган нафақа пулимни ҳам муҳтож оилаларга бераяпман.

Акбарҳожи аканинг саъй-ҳаракати билан яқинда республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан тўртта хонадонга ёрдам уюштирилди. Маҳалладаги дўконга кам таъминланган оилаларнинг рўйхати берилган. Уларга маҳалла ҳисобидан бепул озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилмоқда.

Булардан ташқари, маҳалла ўз ҳудудида жойлашган 38-мактабни оталиққа олган. Ҳар йили таъмирлаш ишларига яқиндан ёрдам беради. Яқинда эса ўқувчиларга 2,5 минг сўмлик ёзув дафтарлари бепул тақдим этилди.

Ҳа, Сархумдонда ана шундай меҳр-мурувватли кишилар аҳил-иноқ яшашмоқда.

Саъдулла ШОДИЕВ.

*1996 йил—Амир Темур йили*

## УНУТИЛМАС ҚАДРИЯТЛАР



***Маълумки, 1996 йил соҳибқирон Амир Темур йили деб эълон қилинган. Шу санага бағишлаб барча жойларда бўлгани каби Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент бўлими ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.***

— 1996 йил соҳибқирон Амир Темур йили деб эълон қилиниши маънавиятимизга янада куч-қувват бағишламоқда, — дейди биз билан суҳбатда «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раисининг ўринбосари Муборак Юнусхўжаева. — Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек, бу санани нишонлаш билан биз нафақат бобокалоннинг руҳларини шод этамиз, балки урф-одатларимиз, ўтмишимизнинг бой меросларини, қадриятларимизни ёшларга етказишга ҳаракат қиламиз. Шунингдек урф-одатларни замонамизга мослаштириб, яхши жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда ҳаётга тадбиқ этамиз.

Бунинг учун қилинадиган ишлар режалаштириб олинди. Масалан, барча туманлардаги маҳаллаларда, ундан ташқари мактаб, институт корхона ва ташкилотларда «Маданиятимиз, маданий меросимиз ва давр» мавзуида Амир Темурнинг ҳаёти, даври ҳақида суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Бу давра суҳбатларига шарқшунослар, олимлар, тарихчилар, ёзувчи ва шоирларни жалб қилмоқдамиз.

Шунингдек, шаҳримизнинг барча маҳаллаларида «Барҳаёт анъаналар» шиори остида турли мазмундаги кўрик-танловлар уюштирдик. Ўзбек халқи азалдан болажон халқ. Энг олий мақсади фарзандини вояга етказиб тўйини ўтказиш, орзу-ҳавасини кўриш. Шуни эътиборга олиб ёр-ёр, келин салом, алла айтиш, меҳмоннавозлик ва миллий таомлар тайёрлашни ўз ичига олган тизма асосида босқичма-босқич кўрик-танловлар бўлиб ўтди. Уларда деярли барча маҳаллаларда истиқомат қилувчи хотин-қизлар вакиллари иштирок этдилар. Якуний босқичда куч синашиш эса албатта ғолибларнинг ғолибига насиб этди. Албатта бу ўтказилган тадбир бежиз кетмайди. Чунки биз бир қатор истеъдодларни ҳам кашф этдик. Оддий аёллар орасида кўпгина истеъдод соҳибалари бор экан.

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети хотин-қизлари қўмиталари билан биргаликда университетнинг маданият саройида «Авлодлар учрашуви» бўлиб ўтди. Бу учрашувга фаол онахонлар, ўрта ёшдаги хотин-қизлар ҳамда университетнинг филология факультетининг талаба қизлари таклиф этилди. Унда 60, 70, 80, 90 ёшли онахонлар ҳам 11, 12, 13 бола тарбиялаган қаҳрамон оналарнинг меҳнатлари эъзозланиб, босиб ўтган ҳаёт йўлларидаги ибратли томонлар очиб берилди ва муносиб тақдирланди. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Дония ЗОКИРОВА ёзиб олди.



*Шундай бир ният қилайликки, ҳамиша юртимиз осмони чароғон бўлсин.*

*Оила сабоқлари*

## МУҲАББАТГА ХИЁНАТ

Шерзод билан Камола бир маҳаллада таваллуд топишди, мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ бир-бирига кўнгил қўйишди. Албатта, бунга бирга дарс тайёрлашлари (улар ёнма-ён қўшни эдилар), ота-оналарининг яхши муносабатлари сабаб бўлса ажаб эмас.

Вақт ўтиб улар барча тенгдошлари қатори мактабни тугаллаб, мустақил ҳаётга йўлланма олишди. Шерзод ҳайдовчилик курсига, Камола тикувчилар тайёрлаш курсига ўқишга кирди.

Улар бир-бирини кўрмаса худди бирор нарсасини йўқотгандек жонсарак ҳолатга тушар эдилар. Бу, айниқса, Шерзод ҳарбий хизматга жўнаб кетганда намоён бўлди. Ҳамма ўз ташвиши билану Шерзод билан Камола учун бир ярим йиллик ҳарбий хизмат мисоли 5-10 йилдек узоқ туюлди. Уларнинг бири «Мени кут», иккинчиси кўзда ёш билан сукут сақлашдан бошқа сўз айтмай хайрлашишди.

Ўтган бир ярим йил ичида улар мактублар орқали дийдорлашиб туришди... Шерзод ҳарбий хизматдан қайтгач ота-онасию барча яқинлари иштирокида оқ фотиҳа берилиб, маҳаллада тўй ҳам бўлиб ўтди.

Икки ёнма-ён, кўздек қўшнилар ўртасидаги яқинлик янада мустаҳкамланиб борди. Шерзод шаҳардаги қурилиш ташкилотларидан бирида ҳайдовчи, Камола эса тикувчилик цехида чевар бўлиб ишлай бошлади. Камола уй-рўзғор ишларида саранжом-саришталиги, пазандалиги билан қайнона-қайнотасининг ҳурматини қозонди.

Кунлар, ҳафталар, ойлар шу зайлда ўтаверди. Оилада фарзанд, бобою бувилар учун набира дунёга келгач, қувончни бир кўрсангиз эди... Чақалоқнинг исмини Беҳзод қўйишди.

Вақт ўтиб, Шерзод ва Камола қизлик ҳам бўлишди. Камола қайнонаси Шарифа ая билан биргаликда болалар тарбияси, рўзғор юмушлари билан банд. Шерзод такси ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. Ҳар куни рулда, ойлик режани бажариш ҳақида гапириб, нонуштани ҳам апил-тапил қилиб ишга жўнайди.

Кейинги пайтларда Шерзоднинг юриш-туриши ўзгарди. Пул топишга ружу қилиб, «Тунги сменада ишлаяпман», дея уйга келмайдиган, ичкиликка берилиб, ота-онасию ука-сингиллари ва Камолага қўрс муомала қиладиган бўлиб қолди. Фарзандлари Беҳзод ва Ҳилолага қиё ҳам боқмасди, эркаламасди.

Хонадондагилар Шерзодга панду насиҳатлар қилишди, койишди, барибир унга кор қилмади, ўз билганидан қолмади. Натижа гулдек оиланинг барбод бўлиши билан тугади.

Бу воқеани дилимда ачинишу надомат билан қаламга олишга жазм этдим. Зора, бу ҳаётда ўз йўлини йўқотган, адашганлар учун сабоқ бўлса.

Ҳа, инсон учун муқаддас туйғу-муҳаббат илдизига болта урилди. Шерзод учун жонини ҳам беришга тайёр Камоланинг барча орзу-умидлари саробга айланди. Севимли, дил тўридан жой олган, фарзандларининг дадажониси Шерзод Камоланинг муҳаббатига хиёнат қилди. Виждонини йўқотди. Шерзод айшу ишратга, шайтон васвасасига берилди: ўзидан 5-6 ёш катта бўлган аёлни «севиб қолди». Оиласию ота-онасини, маҳалла-кўйни ҳам ўйламай, уйдан бош олиб чиқиб кетди...

Шунчалик ноинсофлик бўладими, дунёда?! Ота-она қадди букилди. Камола фарзандлари дадаси Шерзодни сўраганларида жавоб тополмай кўзларидан шашқатор ёш оқади...

Мазкур воқеага шу ерда нуқта қўйдиму, инсонлар қалбидан иймон, виждон, эътиқод йўқолмаслигини, инсоф, адолат, эзгулик йўлдош бўлишини яратган Аллоҳ таолодан сўраб қолдим.

Шоира АБДУТОЛИПОВА.

## НОМИГА МУНОСИБ

Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, туркий халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби, саркарда, илму фан, маданият ҳомийси, соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллуд куни муносабати билан Собир Раҳимов туманидаги Шифокорлар шаҳарчасидаги унинг номи билан аталувчи маҳаллада катта тантана бўлиб ўтди. Тадбирда маҳаллада истиқомат қилувчилар байрам дастурхонига таклиф қилиндилар. Табаррук 80, 90, 100 баҳорни кўрган отахон-онахонларнинг муборак тўйлари, катта оилаларнинг ўғилларини ва кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари яхши ниятлар билан соҳибқирон туғилган кунда ўтказилди. Бу тадбирга маҳалла қўмитаси раиси Эркин Шораҳимов ва бир қатор маҳалла оқсоқолларию фаоллари бош-қош бўлдилар.

Маҳлиё МИРСОАТОВА.

*Аҳоли турар жойларида*

## БИЗНИНГ БУВИЖОНЛАР

***Ҳамза туманидаги Наврўз маҳалласи ва 244-мактаб жамоаси ҳамкорлигида «Авлодлар учрашуви» мавзуида уюштирилган «Бизнинг бувижонлар» номли кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.***

Алоҳида белгиланган столда 26 талабгорлар ичидан ғолиб чиққан 5 аёл ўтирарди. «Бўш вақтингиздаги севимли машғулотингиз» деб номланган шарт бўйича чиққан Белла Аванесова танловни бошлаб берди. У ўзининг пиширган тортининг гўзаллиги ва ширинлиги билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Матлаб Қўлдошева томонидан кўрсатилган миллий ҳунармандчилик турларидан бўлган попопчилик иш намуналаридан сўзана, чойшаб, қўлда тўқилган кийим турлари ва турли қўл ишларидаги гўзаллик ва нафисликка нафақат томошабинлар, балки ҳакамлар ҳайъати ҳам тан берди. Шунингдек Матлаб опа Гулчеҳра Толипова билан «Тошболта ошиқ» спектаклидан саҳналаштирилган парчалардаги иштироки унинг истеъдодидаги яна бир янги қирра, яъни актёрлик маҳоратидан ҳам хабардор эканлиги билан барчани қойил қолдирди. Галия Алишева севимли қўшиқларини ижро этган бўлса, Алла Макарова эса «Киндер» совғалари деб номланган ўйинғоҳлар кўргазмасини намойиш этди. Сўнгра билағон бувилар, неваралар билан боғлиқ руҳий ҳолатлар ечими каби шартлар бўйича ҳам ўзларининг топқир, зукко, қалбан гўзал, ҳажвияга бой эканликларини кўрсатдилар.

Танлов бошиданоқ иштирокчилар тенг кучга эга рақибалар эканликларини кўрсатдилар. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларига ҳам ғолибларни аниқлаш осон бўлмади. Шунинг учун бувиларни хафа қилмаслик учун барчаларига гуллар ва эсдалик совғалари топширишди. Танловда иштирок этолмаган, лекин қобилиятлари билан алоҳида ажралиб турадиган бошқа бувилар ҳам мукофотландилар.

— «Қари бор уйнинг зари бор» деганларидек бувижонларимиз бор экан, ўқувчилар тартибли, озода ва тарбиялидир, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Фарида Жўраева. — Чунки кўп ота-оналар ишда. Шу боисдан қийинчиликлар кўпроқ бувижонлар зиммасида. Шунинг учун ҳам уларнинг меҳнатини доимо муносиб баҳолашга ҳаракат қиламиз.

## ДАСТУР АСОСИДА



Шайхонтоҳур туманидаги 85-мактаб жамоаси бир эмас уч маҳалла — Зангиота, «Каттабоғ» ва «Илгари» маҳаллалари билан ҳамкорликда «Барҳаёт анъаналар» номли адабий кеча ўтказди. «Маҳалла-мактаб—оила» дастури бўйича ўтказилган бу кечага табаррук онахонлар, отахонлардан тортиб жажжи ўғил-қизларгача ташриф буюришди.

Кечада мактаб директори Дилором Жавҳарова «Ўқувчилар тарбиясида маҳалла жамоасининг роли» тўғрисида сўзлади. «Каттабоғ» маҳалласи қошида ташкил этилган «Ферузабону» халқ оғзаки ижоди дастаси томонидан ўтмишимизнинг бой меросларидан бўлган «Ёр-ёр», «Келин салом» айтиш ва турли лапарлар ўзгача жило, меҳр-муҳаббат ва маҳорат билан ижро этилди. Мактаб ўқувчиларидан Зиёда Умарова, Жамшид Исоқовлар талқинидаги саҳна асарлари ўз тарбиявийлиги билан ажралиб турди. Шунингдек мактабнинг педагогика жамоаси ва ўқувчиларидан иборат ташкил этилган ҳаваскорлик жамоаси томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар даврага файз бағишлади.



*СУРАТЛАРДА: 85-мактаб ва маҳаллалар ҳамкорлигида ўтказилган «Барҳаёт анъаналар» кечасидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Чилонзор туманидаги 162-мактаб ва Чилонзор маҳалласи қатор йиллардан бери ўзаро ҳамкорликда бир қатор амалий ишлар олиб боришади. Шу боис ҳам 162-мактаб тумандаги илғор илм масканларидан бири деб саналса, маҳалла ҳам намунали жамоалар қаторидан ўрин олган. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган навбатдаги тадбир ҳам ҳамжиҳатликда тайёрланди.

Шарқона безатилган мактаб залига меҳмонлар, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ташриф буюргач кеча очилди. Саҳна пардаси кўтарилгач тўрдаги тахтда ўтирган Амир Темур қиёфасидаги Мирсултон Абдуллаев, унинг вазирлари кўринишидаги Асрор Иброҳимов, Жаҳонгир Нажмиддиновларни нафақат ўқитувчилар, ҳатто ота-оналарнинг ўзлари ҳам таний олмадилар. Амир Темур ҳаётидан ҳикоя қилувчи саҳна асарини мактаб ўқувчилари маҳорат билан ижро этдилар. Шунингдек сўзга чиққан ўқитувчилар, маҳала вакиллари соҳибқирон Амир Темурнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли ҳақида гапириб бердилар. Оталиқ ташкилоти деб ҳисобланган «Ўздонмаҳсулотлари» корпорациясига қарашли 6-нон заводи вакиллари бир қатор фаол ўқитувчилар ва ўқувчиларига эсдалик совғаларини топширдилар. Маҳаллада истиқомат қилувчи ота-оналар ҳам фарзандларига атаб ўз совғаларини топширдилар. Маҳалла қўмитаси номидан Равшан Ҳожихонов, тарих ўқитувчиси Жўрахон Абдурауповаларнинг меҳнати алоҳида таъкидланди.

1200 ўқувчи ўқийдиган масканда маҳалла билан мактаб ўртасидаги ишлар чиндан ҳам яхши йўлга қўйилган.

Оқила РАИМОВА.

*Қўшиқ сеҳри*

## ЮРАКДАН КУЙЛАБ

Болаликдан санъатга меҳр билан қараган инсонга гўзалликлар доимо ҳамроҳ бўлиши табиий бир ҳолдир. Асли исми Фозил, кўпчилик эса Абдувоҳид деб таърифлайдиган бу йигит ёшликдан мусиқага, айниқса миллий мусиқа асбобларимизга ихлоси бўлакча эди. Қўлига най, дутор, танбур, тор олиб ўзича машқ қилар, санъатга бутунлай бериларди. Бу интилишни кўриб, сезиб бораётган мусиқа раҳбари, найчи Жалил Камолов унга мусиқа асбобларни чалиш сир-асрорларини кўп тушунтириб борар, кўмаклашарди.

Ўз қонида жўш уриб, қизиқиши ниҳоятда уфуриб турадиган Абдувоҳид Зайнутдинов кўп вақт ўтмай, миллий мусиқа асблари чалишни мустақил ўрганиб олди. Охунбобоев номли 45-ўрта мактабни тугатиб, меҳнат кучоғига отланди. Аммо мусиқага ҳаваси бирон муддат ҳам сўнмади, балки машқларни давом эттириб, аста-секин классик шоирларимизнинг мумтоз ғазалларини куйлайдиган бўлди. Ёш хонанда кўпроқ Фарғона водийсининг булбули ҳисобланган икки қўшиқчи — Маъмуржон Узоқов ва Муроджон Аҳмедовга алоҳида меҳр-муҳаббат билан қарар, ўзи ҳам ўшаларга ўхшаб куйлашни, халқимиз олқишига муяссар бўлишни орзу қиларди. Кўп ўтмай орзуси ушала бошлади. Радио тўлқинларида, зангори экран олдига чиқиб, ўзининг дилрабо ашулаларини ижро эта бошлади.

Абдувоҳид Зайнутдинов Акмал Икромов туманидаги маҳаллаларда ўтказиладиган тантаналарда фаол иштирок этиб, дилдан куйлаб, маҳалладошларнинг олқишларига сазовор бўлмоқда. У куйлаган «Нигоҳ айлаб», «Самарқанд ушшоғи», «Эй сабо», «Ўзбекистоним», «Ўртар», «Бўлибдур», «Гулистоним», «Баёт—4», «Айламас», «Суратинг» каби мумтоз ашулалар ҳаммани бирдек хушнуд этмоқда.

Бундан 40-50 йил муқаддам азим шаҳримизнинг Чўпон ота маскани ўз боғлари билан ном чиқарган эди. Бундаги тар мевали дарахтларга булбуллар ошиқарди. Шу туфайли Чўпон ота атрофида ўнлаб кашшофлар оромгоҳлари жойлашган эди. Чўпон ота кўп ўтмай қурилиш майдонига айланиб, баланд иморатлар қад ростлади. Аммо Боғистон деган даҳа Бўзсув ёнида қолди. Шу Боғистонда туғилиб вояга етган Абдувоҳид Зайнутдинов 40 йилдан кўпроқ мумтоз ашулаларимизни юракдан куйлаб, Боғистон номини муносиб оқлаб келмоқда.

Омон САЙДАМИНОВ.

Онажон, қандай берилиб алла айтардингиз. Сизнинг диловар аллангиз сеҳридан ҳар фасл Пичот тепаликларида ўзгача афсона бошланарди. Гўё кўкдаги қуёш, оқ-шаффоф булутлар бу оҳангдан муаллақ туриб қоларди. Кошки ўша даврлар яна такрор келса. Ҳаёт бешафқат қўллари билан қалбимни юлиб кетди — сизни мангуга бериб қўйдим.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўша тўй кечасида остонада ўлтирганча оппоқ дока рўмолингизга кўз ёшингизни арта-арта овоз чиқармай хўп йиғладингиз. Мен эса сиз билан жилмайиб хайрлашибман.

Саҳар пайти мен сизнинг ташрифингизга илҳақ ўтирардим. Отам хонага йиғлаб келди-да, пичирлади: «Онангдан айрилиб қолдик, қизим».

*Турмуш чорраҳаларида*

# ҚЎМСАШ

Мен хушсиз қолдим. Сўнг мени йиғидан ҳеч ким тўхтата олмади. Бахтим чил-чил сингандек эди. Ахир сиздан ўзга кимим бор эди, менинг онажон?!. ...Тўйдан икки ой ўтгач, куёвингиз Санжар армияга кетди. Мен ёнимдаги одамларни сезиб-сезмас, шарпадек юрардим. Аста-секинлик билан сўзларни унута бошладим. Бора-бора ҳеч сўзлай олмайдиган бўлиб қолдим. Ички бир исён, маълум ҳиссиёт билан уй юмушларини бажардим, одамлардан ўзимни олиб қочардим. Қайнонам эса ҳар доим зуғумига олар, қарғар, «гунг-соқовсан» деб ҳоли жонимга қўймасди.

Онажон, сиз қизингизнинг бахтини кўрдингизу, аммо бахтсизлигини яхшиямки кўрмай кўз юмдингиз. Менга сизсиз нақадар оғир бўлди. Сиз тирик бўлганингизда гапиролмасам-да, ҳеч бўлмаса иссиқ оғушингизга бошимни қўйиб, ором олган, тошга айланган вужудимни илитган бўлармидим.

Саврнинг ёғингар тунларининг бирида кўзим ёриди. Аммо мени руҳий касаллар хастахонасига олиб бориб ташлашди. Санжарнинг келишига олти ой бор эди. Ҳа, ўғилчамни бир бор бағримга босиб меҳрига қонолмадим. Тунлари мижжа қоқмай чиқардим. Кўп ўтмай терлама бўлиб қолдим. Бир куни ярим тунда чўчиб уйғониб кетдим. Сал кўзим илинган экан шекилли. Юзларим тердан ҳўл бўлиб, лабларим иситманинг зўридан қуруқшаб, кўзларим хира тортганди. «Сув, сув» дейману қани товушим чиқса. Деразанинг ним қоронғу кўзлари менга еб қўйгудек боқади. Шу пайт дераза панжарасида паншаҳадек қўллар, бадбашара одам чеҳраси намоён бўлди. Қўлида узун пичоқ ялтираб кўриниб турарди. Мен даҳшатдан чинқириб юбордим: «Ёрдам беринглар, одамлар! Йўқол, йўқол, иблис...» Энагалар югуриб келишди. «Сизга нима бўлди? Қўрқдингизми?» Уларнинг овозидан ҳам ҳайрат, ҳам сўзлаётганимдан қувониш сезиларди. Ўзим ҳам таажжубда эдим. «Деразада... одам бор, мени ўлдирмоқчи», дедим жон ҳолатда. «Йўғ-е, — деди улар бараварига. Сизга шундай туюлгандир, ҳеч зоғ йуқ-ку»!

Шундан кўп ўтмай аҳволим яхшиланди. Дўхтирим ҳам ўзида йўқ хурсанд: «Энди одам кўринмайди, яхшисан» дерди у елкамга уриб. Уйга жавоб берган куни мен учун байрам бўлди.

Ғамгузорим, сизга очиғини айтсам, Санжарни жонимдан ортиқ севардим. Аммо у бир бор менинг ҳолимдан хабар олмади. Ўгай онам билан бирга уйга борганимизда у ҳовли ўртасида турган экан. Қайнонам кўринмади. Санжарнинг тиниқ, оқ юзлари бўғриқиб турар, негадир лабларининг бурчи учиб-учиб қўяр, тусдек қора киприкларида истеҳзоли хаёл қотиб қолганди.

— Хотиним уйга кирмасин, энди у менга керак эмас, — деди у ўгай онамга қараб.

Менинг эса тилим калимага келмас, забонсиз, сокин эдиму ичимга ўт туташарди. Юрагимни илонлар кемираётгандек... Руҳим безовта.

— Ўғлим, ўғлим қани? — дедим бирдан бақириб.

— Уни болалар уйига топширганман, улғайгач ўзим оламан. Сенинг Жавлонда ҳаққинг йўқ, — деди Санжар.

— Бўпти, кетдик, — деди ўгай онам, — сенга бола нимага керак ўзи? Соғ бошингни оғриққа қўйиб?

— Нега энди, мен боласиз тирик мурдаман, эна.

— Ўрганиб кетасан, қиздек бўлиб юраверасан, нимаси ёмон бунинг?

Бизлар шу туришда баҳслашиб дарвозадан чиққандик, Санжар оғир қадамлар билан ортимиздан келди-да эшикни қаттиқ ёпди.

Биласизми, меҳрибоним, менинг ҳар бир кунларим йилларга татигулик бўлиб, ҳар лаҳзада юз бор ўлим топардим. Тушларимда ўғлимни олиб учиб юрардим. Ўнгимда ўз-ўзимча алла айтардим.

Бир куни болалар уйига бориш учун отландим. Аммо уйда шу қадар жанжал бўлиб кетдики... Кўп ўтмай Сирдарёга эрга бериб юборишди. Мен теккан киши колхозга раис бўлиб, саккиз боласи бор эди. Аммо у билан кўп жанжаллашадиган бўлиб қолдик. Чунки у худбин, шуҳратпараст, ўзининг соясига салом берадиганлар хилидан эди. Болалари эса мени кўзларида ўқи бўлсаю, ўша лаҳза отиб ташласа. У билан тўрт йил қил устида юргандек яшадим. Турмушим бўлмагач яна ўгай онам қўлига келдим. У ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ, дейдиган бўлди. Оҳ, юрагим зада бўлиб кетган. Кеча отам мени роса калтаклади. Базўр ситилиб, боғ томонга қочиб чиқдим. Атрофга шом қоронғилиги тушиб қолганди. Боғ ичи ваҳимали, сирли ва туманли кўринарди. Боғ четидаги ёлғиз чинор ёнига бордим-да, унга бошимни босиб йиғлайвердим. Шунда девор томонда Санжарнинг овози аниқ-тиниқ эшитилди: «Зумрад, ўғлингга қара, мен сени билмасдан қийнаб қўйибман». Сесканиб кетдим. Ахир Санжар бултур кузда машина ҳалокатидан ўлган эди-ку. Менга нима бўляпти ўзи? Яна хасталаниб қолдиммикан деб вужудим музлаб, юрагим тўхтаб қолгандек бўлди.

Онажон, Жавлондан хабар олиб турибман. Аммо уни менга беришмайди-да. Кечаги борганимда кипригида қотиб қолган бир томчи ёш ҳали-ҳали юрагимни эзади. Умидим изтиробни енгади. Эрталаб қуёшнинг юрагига сингиб кетгандек бўламан. Яна сизни йўқлайман, мунисим. Қабристон менинг қайғуларимни ютиб боради. Меҳрибоним, сиз мен учун тириксиз, ўлмагансиз... Бунга тобора қаттиқ ишониб боряпман. Эртагача хайр, меҳринигорим, онагинам!

Зиёда ҒАЙБУЛЛАЕВА.



*Ёш авлод қалбида табиатга бўлган меҳр ҳиссини уйғотиш, атрофимизни ўраб турган ўсимлик олами, ҳайвонот дунёси ҳақидаги билимларни бойитиш мақсадида шаҳримиздаги 288-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Гулруҳ Ниғматуллаева жон куйдириб меҳнат қилади.*

*СУРАТДА: табиат дарсидан навбатдаги машғулот.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

*Мутахассис қабулида*

# МИЛК КАСАЛЛИГИ НИМАДАН?

***Инсон бирор дардга чалинганида одатда хасталигини атрофдагилардан яширишга уринади. Аммо шундай касалликлар ҳам бўладики, уларни яширишнинг асло иложи йўқ. Чунки хасталик аломатлари ўзгаларга яққол кўриниб туради. Шунчаки кўриниб турса майлия, лекин у бошқаларда нохуш кайфият уйғотса, беморнинг ўз соғлиғига бепарволигини билдириб уялтириб қўйсачи? Бундай касалликлар сирасига оғиз бўшлиғи, хусусан милк хасталиклари киради. 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш-стоматология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Тошпўлат Сафаров билан қилган суҳбатимиз милк касалликлари хусусида бўлди.***

**— Тошпўлат Ҳамдамович, милк касалликларининг умуман стоматологик хасталиклар орасидаги ўрни қай даражада?**

— Милк касалликлари илмий тилда гингивит, парадонтит, парадонтоз каби номлар билан юритилади. У тиббиётда кўп тарқалган хасталиклар қаторига кириб, илмий кузатувларга кўра 70-80 фоиз одамларда учрайди. Болаларда кўпинча хасталикнинг яллиғланишли тури, яъни гингивит пайдо бўлади, бунда тиш тозаланган пайтда милкдан қон оқади. Катталарда эса аксарият ҳолларда парадонтоз тури учрайди, бунда милкда ҳар хил нохуш сезгилар, жумладан қичиш, оғриқ кабилар вужудга келади. Чунки яллиғланишсиз ўтадиган касалликда милк тўқималари емирилиши кўпроқ кузатилади.

**— Милк қонаши нисбатан кўпроқ учрар экан. Шунга кўра ана шу хасталикни пайдо қилувчи сабаблар хусусида гапирсангиз.**

— Бу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари фанга ҳамон номаълум. Аммо бу борада айрим назария ва тахминлар йўқ эмас. Шулардан бири хасталик сабабларини ташқи ва ички муҳит билан боғлиқлигида кўришдир. Ташқи муҳит деганда одамнинг яшаш тарзи, ичимлик суви, ҳаво, овқатланиш тартиби, овқат сифати, қолаверса иш шароити назарда тутилади. Ички муҳит эса тананинг соғлиғи, жумладан ички аъзолар: ошқозон-ичак, юрак қон томирлари, жигар, буйрак, асаб хасталиклари, модда алмашинувида пайдо бўладиган бошқа дардлар борйўқлиги билан изоҳланади. Бу касалликлар ўзаро бир-бирини чуқурлаштириб, аҳволни янада оғирлаштириши мумкин. Лекин бошқа сабаблар, яъни оғиз бўшлиғидаги турли ҳолатлар, шу жумладан биринчи ўринда турадиган оғизнинг тозалик қоидаларига риоя қилмаслик, касалланган тишларни ўз вақтида даволатмаслик, олиб ташланган тишлар ўрнида сунъий тишлар йўқлиги, тиш қаторларининг нотекислиги, тепа жағ ва пастки жағ ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши кабилар ҳам катта роль ўйнайди.

**— Милк қонаши ўз навбатида танада бошқа хасталиклар (стоматологик ёки бошқа дардлар)ни пайдо қилиши мумкинми?**

— Албатта мумкин. Чунки тишлар жойлашган суяк тўқималарининг емирилиши оқибатида тиш билан милк орасида турли бўшлиқлар ҳосил бўлади. Бу ерларда овқат қолдиқлари қолиши ва уларнинг чириши натижасида жуда кўп миқдорда микроблар йиғилади. Микроблар касаллик тарқатувчи марказларга айланади ва тиш атрофларида тиш карашлари ҳамда тошларини пайдо қилади. Шунингдек улар милкда кечадиган яллиғланиш жараёнини кучайтириши эҳтимол. Пировардида ҳозир аҳоли орасида кенг тарқалган аллергик хасталикларнинг келиб чиқиши ёки танада бор бўлган сурункали кечувчи дардлардан ташқари сил, тери-таносил, асаб касалликларининг чуқурлашуви табиий. Албатта улар орасида биринчи навбатда ошқозон-ичак хасталиклари ҳам мавжудлигини назарда тутмоқ лозим. Чунки оғиз бўшлиғи ошқозон-ичак аъзоларининг бошланғич қисмидир.

**— Айрим беморлар касалликни ўтказиб юбориб шифокорга кеч мурожаат қилишади...**

— Афсуски бундай беморлар тез-тез учраб туради. Касаллик ўз вақтида даволанмаса турли маҳаллий ва умумий асоратларга олиб келиши мумкин. Маҳаллий асорат деганда соғлом ва касалланган тишларнинг аста-секин қимирлаб тушиб кетишига айтилади. Ёки милкда йиринг пайдо бўлиб, оқибатда оғиздан нохуш ҳид келади. Бундан ташқари милк қочиб, тишлар ости очилиб қолиш ҳоллари ҳам кузатилади. Бундай беморлар оила аъзолари, таниш-билишларидан уялиб юришларига, уларда тортинчоқлик пайдо бўлишига ҳам ана шу милк хасталиклари сабабдир. Умумий асоратлар деганимизда эса тананинг бошқа хасталиклари назарда тутилади. Ҳар қандай хасталикдан сақланиш учун овқатланиш, дам олишни тўғри ташкил этиш лозим. Шунингдек милк касалликларининг олдини олишда оғизни мунтазам тозалаб туриш, касал тишларни ўз вақтида даволаш, хасталаниш оқибатида қолган тиш илдизларини олдириб ташлаш, юқори ва пастки жағлар мувозанатини сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

*Қизиқчи бисотидан*

# ТАБАССУМИ ШИРИН ЭДИ

***Тошкентнинг ҳозиржавоб ва устоз аскиячиларидан бири Айниддин Зайниддинов эди. У республикамиз бўйича ўтказилган қатор кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллади. Тўй, юбилей ва базмлардаги аскиялари билан тингловчиларга олам-олам завқ ва кулги улашди. Байрамларда ташкил этилган аския кечаларида умрли «рақиби» Қодирхон Усмонов билан биргаликда фаол иштирок этди. «Ўқитувчилик», «Тарбия», «Варрак» ва «Кураш» каби ўнлаб пайровлар улар ижодида пишиб етилди. Журналист сифатида ёзган тарбиявий мавзудаги мақолалари, теша тегмаган аския пайровлари, ажойиб хандалари билан шинавандалар қалбидан муносиб ўрин эгаллади. Кейинги йилларда аскиячилар ва қизиқчиларнинг кўрик-танловларида ҳакамлар орасида иштирок этиб, ёш қизиқчи ва аскиячиларнинг бу соҳада мустақил қадам ташлашлари учун ўзининг ҳалол ва беминнат хизматини аямади. Қуйида Айниддин Зайниддинов ҳаётидан олинган баъзи лавҳаларни «Оқшом» муштарийлари эътиборига ҳавола этмоқдамиз.***

## «ПЕЧКА» БЎЛАДИ

Айниддин ака ўғлини уйлантирадиган бўлди. Тўй куни белгилангач, машҳур сурнайчи Аҳмаджон аканинг уйига борди. Эшикни устоз санъаткорнинг ўзи очди.

— Ўн бешинчи декабрь куни ўғлимнинг никоҳ тўйи, шунга хизматингизни аямасангиз, деб келдим.

— Келин фарзанд қутлуғ бўлсин. Шу куни албатта гуруҳимиз билан хизматингизда бўламиз.

— Раҳмат.

— Тўйни нега қиш фаслида қилаяпсиз?

— Уста, қор ёғиб, совуқ тушиб қолса қийналиб қоламиз, деманг, сиз кирган хонада албатта «печка» бўлади.

## ДЎСТЛАР ҲАЗИЛИ

Айниддин ака ўз ижодхонасида қадрдон дўсти, улфати ва аскиядаги «рақиби» Қодирхон Усмонов билан суҳбатлашиб ўтирган вақтда телефон жиринглаб қолди. Гўшакни Қодирхон ака кўтарди.

— Алло, эшитаман, Фозилжонмисиз?.. Айниддин акани сўраяпсизми?.. Айниддин ака нариги хонада оғир бетоб бўлиб ётибди. Агар бизни ташлаб «кетиб қолмаган» бўлса, ҳозир чақираман.

У гўшакни бир оз фурсат қўлида ушлаб туриб, кейин Айниддин акага узатди.

— Фозилжон, яхшимисиз?.. Нега кечикдингиз дейсизми?.. Қодирхонни «манзили»га кузатиб келгунимча вақт ўтди-да, биродар.

Гўшакдан Фозилжон аканинг кулгиси эшитилди:

— Уйларингизга совчилар қатнаяпти деб эшитувдим, бунақада икковингизни ҳам «бериб қўямиз», шекилли.

## ЯХШИ ИНСОНДА...

Айниддин ака ва Қодирхон акаларнинг манзилга борадиган йўллари дала орқали ўтар эди. Улар машинани тўхтатиб очиқ ҳавога чиқишди.

— Ранг-баранг гулларни, ям-яшил ўт-ўланларни, улардан таралаётган хушбўй ва муаттар исларни қаранг, Айниддин ака, маза қилаяпсизми?

— Сезмаяпман.

— Ия, ис билмасангиз қандай қилиб юрибсиз?

— Билмайсанми, биродар, яхши инсонда димоғ бўлмайди.

## ПУЛИ ЙЎҚДИР

Қодирхон ака кинотеатр олдида Айниддин акани кутаяпти. Айниддин ака тайинланган вақтдан ярим соат кейин келди.

— Бировни кутишдан ёмони йўқ, одам дегани шунчалик ҳам беғам бўладими?

— Узр, иш билан озгина ушланиб қолдим.

— Машинада ўтаётган таниш-билишлар менга қафасдаги маймунни кўраётгандек тикилиб ўтишди.

— Парво қилма, уларнинг «Ҳайвонот боғи»га боришга пули бўлмаса керак.

## ПАРҲЕЗ ҚИЛИНГ

Айниддин аканинг Қодирхон ака билан суҳбати семизлик ҳақида кетаётган эди.

— Мен ҳам семизликдан озгина қийналаяпман, тезроқ юрсам нафасим сиқилиб, ҳарсиллаб қоламан, — деди Айниддин ака.

— Сиз парҳезга риоя қилинг.

— Қандай?

— Нонуштага озгина нон билан узум, тушликка ширгуруч енг, кечқурун фақат қатиқ ичинг.

— Айтганингга амал қилсам, икки ҳафтадан кейин хотиним онасининг уйига кетиб қолса, ўзинг олиб келиб берасанми?

## ПОЧАСИДАН ОЛАДИ

Айниддин аканинг ўлгудек хасис, баджаҳл, сўкағон, оғзи шалоқ ва тўнг дўсти бор эди. Шу дўсти ундан катта ва қопағон бир ит топиб беришини илтимос қилди. Айниддин ака бир куни жунлари тўкилиб кетган, зоти паст, жайдари, хароб ва дайди бир итни чизимчага боғлаб дўстиникига етаклаб келди.

— Мана, қанча қийинчилик ва илтимос билан тайинлаган итингни топиб келдим. Кечқурун мана бу тутнинг тагидаги сўрига яшикдагидан биттасини чойнакка солиб чиқсанг, бу бўрибосарга яхши тилаклар билдирамиз.

— Шу мушукдан ҳам хароб кучукни ит деб олиб келдингми? Бунинг бировга вовуллаш у ёқда турсин, юришга ҳам ҳоли келмаяпти-ку?

— Бунинг ташқи кўриниши шундай бўлгани билан ўзи жуда зотдор, зийрак ва фаросатли ит. Уни ўз йўлингга тушириб, икки ҳафта парвариш қилсанг, вовуллашгина эмас, ҳар қандай инсон зотининг почасидан оладиган бўлади.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.



*«Новдаларни безаб ғунчалар...»*

*Рустам Шарипов сурат-лавҳаси.*

*Сўранг, жавоб берамиз*

# ТИРНОҚ НЕГА ИЧИГА ЎСАДИ?

***Ҳар сафар оёқ тирноқларимни олаётганда анча азоб чекаман. Тирноқнинг тери ичига қараб ўсган четини олишда бармоқларим қонаб кетади. Нима қилсам бўлади?***

***Умида АҲМАДЖОНОВА, Қорасарой кўчаси.***

Тирноқ пластинкасининг атрофдаги юмшоқ тўқималарга ўсиб киришининг асосий сабаби пойабзал тор бўлиб, оёқ бармоқларини қисиши, тирноқларнинг зарбдан шикастланишидандир. Тирноқнинг ичига ўсиши кўпинча оёқнинг бош бармоқларида кузатилади. Бунда тирноқ кўтармаси оғриб, яллиғланади, баъзан яра бўлиб мадда боғлайди. Ана шундай ҳолда оёқни калий перманганат, яъни марганцовканинг пушти ранг эритмаси ёки 1 стакан иссиқ сувга 1 чой қошиқда сода қўшилган аралашмасига солиб ўтириш, сўнг тирноқни кесиб ташлаш зарур. Агар эътиборсизлик қилиб, оёққа лойиқ пойабзал кийилмаса, тирноқни етарлича парвариш қилинмаса жарроҳлик йўли билан даволашга тўғри келади.

Мутахассислар маслаҳатлари асосида Дилдора ОРИПОВА тайёрлади.

*Турфа олам*

# ОЛТМИШ МАРТА УЙЛАНГАН

38 ёшли мисрлик Холдид Ашта тарихда ном қолдиришнинг ўзига хос йўлини топди. Унинг номи оила қуриш ва ажралишда «Гиннеснинг рекордлар китоби»га энг катта кўрсаткич бўлиб ёзилиши мумкин. Рекордлар китобининг ваколатлигига юборган ҳужжатларида у ўзининг 60 марта уйланганини исбот қила олишини маълум қилган.

Хотинларининг орасида унинг 17 таси ўз миллатига мансуб, қолганлари 28 миллатдан ташкил топган, 43 таси чет эллик. Энг кам никоҳда турган вақти 48 соат, энг кўп тургани уч йил экан. У ўзи хотинларининг биронтасини ҳам алдамаганини, уларга аввалги хотинларининг сонини айтиб огоҳлантирганини одамларга кўз-кўз қилади. Шундай бўлса ҳам аёллар унга турмушга чиқишга розилик беришган. Ажабланарлиси шундаки, унга турмушга чиқадиган қиз ва жувонларнинг биронтасини унга розилик билдиргани учун гап-сўз қилишмаган.

## 104 ЁШЛИ КУЁВ

Италиянинг Генуя шаҳрида яшовчи 104 ёшли Андонио ди Гойя 16 ёшли Мария Маурога уйланганида ҳамма ҳайрон қолиб, «Чол қариганда ақлдан озибди» деб кулишган эди. Ҳозирда ўша кулганларнинг ҳазиллари пучга чиқди. Чунки шифокорлар Мария ақлдан озган чолдан ҳомиладор эканлигини исбот қилишди.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭТРАДАСИ
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
10-11 май соат 18.00
12 май соат 14 ва 18.00 да
Республикада хизмат кўрсатган артист
МИРЗАБЕК ХОЛМЕДОВ
ҳамда
Маҳоратли,
Истеъдодли,
Роса,
Завқли,
Одамлар
ТЕАТРИ
ва меҳмонлар: Матёқуб МАТЧОНОВ, Болтабой ТОШМАТОВ, Равшан ЖЎРАЕВ ва қўқонлик Тоҳирбек МАҲКАМОВ иштирокида

КАТТА ТОМОША

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида ва метронинг «М. Горький» бекатида соат 10.00 дан 18.00 гача сотилади.

Жамоалардан жам бўлиб бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
44-56-07, 44-79-61, 44-24-37, 45-92-51.

ТОШКЕНТ КОМПЬЮТЕР ЛИЦЕЙИ

Тошкент шаҳрида яшовчи ўғил болаларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича ЎҚИШГА қабул қилади:

1. ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ ВА ДАСТУРЧИСИ
2. ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДУРАДГОР.

Лицейга 1996 йилда 9-синфни битирадиган, баҳоси 4 ва 5 бўлган ўқувчилар имтиҳон билан қабул қилинади.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК, ТУРК, ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Лицей ўқувчилари ўқиш даврида иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.
Лицейни битирган ўқувчилар ўз хоҳишига биноан мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиши ёки университетларда ўқишни давом эттириши мумкин.
Имтиҳонларга кириш учун керак бўладиган ҳужжатлар:
1. Ариза
2. Иккита Фотосурат(3х4)
3. 1996 йилда 9-синфни битириши ҳақида маълумотнома

ИМТИҲОН КУНИ: 5 МАЙ
МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 91 33 94, 93 00 09

Тошкент Компьютер лицейи манзилгоҳи: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оқдарё кўчаси 122-уй.

Автобуслар: 26, 106, 15 "ЖАМИЛА" магазини бекати
7, 55, 68, 37, 52 "ЁГ-МОЙ КОМБИНАТИ" бекати (МАСЛОЖИРКОМБИНАТ)

Диққат !
ТОШКЕНТ КОМПЬЮТЕР ЛИЦЕЙИГА КИРИШ ИМТИҲОНИДАН ЭНГ ЮҚОРИ БАЛЛ ОЛГАН ЎҚУВЧИГА КОМПЬЮТЕР СОВҒА ҚИЛИНАДИ.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

«ПВК-84-111 русумли (1984 йилда ишлаб чиқарилган) китоб-журнал тайёрланадиган 3 та роликли ротация машиналарини стереостип ускуналари мажмуи билан

СОТАДИ

Машиналар яхши ҳолатда сақланган.
Баҳоси келишув асосида.
МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ: 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефонлар: 33-20-16 — бош директор ўринбосари; 33-18-58 — бош механик.

CHAMPION ®

ТАШКИЛОТ
Тошкент шаҳридаги омбордан
«ВАЗ» автомашиналари ва уларнинг эҳтиёт қисмларидан:
тармоқ колодкалари,
мой фильтлари (Италия),
ўт олдириш свечалари (Англия, Италия),
«ДОТ-3» Бендикс тормоз суюқлиги (Франция),
сцепления диски, бензонасос, руль наконечниклари,
«Монроу» фирмасининг амортизаторлари, «Автолайт» свечалари (АҚШ),
термостатлар, резина полча, ҳаво фильтри, ёқилғи фильтри, ойна тозалаш шчёткалари, юқори қувватли симлар ўрамини
СОТАДИ
Телефон: 96-18-82.

Тошкент маданий-оқартув техникуми томонидан Тўхтаев Зафар Усмонович номига берилган РТ-1 448789 рақамли йўқолган диплом
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

С. Н. Кадишев номидаги Тошкент авиация-техника лицейи жамоаси В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари А. И. Аббосовга ўғли

АҲМАДЖОНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0188. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 6.761 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.